

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

6-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Д.Усмонов

Гиперболик типдаги бузиладиган иккинчи тур тенглама учун
силжишли масала 6
КИМЁ

И.Асқаров, Ш.Қирғизов

Ўрик мевасининг кимёвий таркиби ва биологик хоссалари..... 11

Б.Маҳкамов, Д.Гафурова

Янги полиакрилонитрил / вермикулит таркибида синтез, ион
алмашинувининг хусусиятлари..... 16

Р.Мамадалиева, Ф.Шаропов, А.Ибрагимов, Ш.Абдуллаев, В.Хўжаев

Allochrysa gypsophiloides таркибидаги иккита асосий сапонинни
УССХ-ЭРИ-МС услубини қўллаш орқали тавсифлаш..... 21

М.Ахмадалиев, И.Асқаров

Кротон альдегиди куб қолдиғининг таркибини аниқлаш ва унинг
асосида полимеркомпозиция олиш..... 25

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Низамиев, И.Сайпидинов, Г.Момошева

Яшил “тоза” энергетика бўйича энергетик хабни яратиш истиқболлари
Қирғизистонни иқтисодий ривожлантиришнинг янги йўли сифатида..... 29

А.Ғафуров, О.Ғафуров

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик
фаолиятини бошқариш механизмини такомиллаштириш..... 33

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

Б.Холматова

Қадриятлар тизими ва талаба ёшларда аксиологик онгни
шакллантиришнинг фалсафий-педагогик жиҳатлари..... 38

Ж.Дадабоева

Оилавий-ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришнинг айрим масалалари..... 42

И.Сиддиқов, Р.Мамасолиев

Миллий юксалиш ғоясини амалга оширишнинг ижтимоий-фалсафий омиллари..... 47

А.Ғаниев

Тадбиркорлик фаолиятининг ижтимоий-маданий ва маънавий моҳияти..... 53
ТАРИХ

О.Бегматов

Ўзбекистонда замонавий банк тизими шаклланиши ва ривожланишининг
тарихий босқичлари..... 57

Ф.Бобоев

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш ва унинг
ўзига хос хусусиятлари (1925-1933 йиллар)..... 65

А.Маҳмудов

Бухоро амирлигида таълим тизимини ислоҳ қилиш ва янги усул
мактабларини ташкил этишда Усмон Хўжа Пўлатхўжаевнинг фаолияти..... 71
АДАБИЁТШУНОСЛИК

Д.Қуронов

Чўлпоннинг “Кеча ва кундуз” романи илк ва қайта нашрларидаги
бир тафовут ҳақида..... 75

УДК: 950

СУРХОН ВОҲАСИДА СОВЕТ ҲОКИМИЯТИГА ҚАРШИ КУРАШ ВА УНИНГ ЎЗИГА
ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ (1925-1933 ЙИЛЛАР)БОРЬБА ПРОТИВ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТИ В СУРХАНДАРЬИНСКОМ ОАЗИСЕ И ЕЕ
ОСОБЕННОСТИ (1925-1933 ГГ.)THE STRUGGLE AGAINST SOVIET RULE IN SURKHANDARYA OASIS AND ITS
PECULIARITIES (1925-1933)Ф.Бобоев¹¹Ф.Бобоев—Ўзбекистон Фанлар Академияси тарих институти
докторанти.**Аннотация**

Мақола Сурхондарё воҳасида совет тузумига қарши қуролли ҳаракат тарихига бағишланган. Унда Қизил армияга қарши кураш раҳбарлари, уларнинг фаолияти, қуролли ҳаракат динамикаси таҳлил этилган. Шунингдек, кўрбошиларга қарши курашда совет ҳокимиятининг олиб борган сиёсати очиб берилган.

Аннотация

Статья посвящена истории вооруженного движения против советской власти в Сурхандарьинском оазисе. В ней анализируется деятельность руководителей борьбы против Красной армии, а также динамика вооруженного движения. Также раскрывается политика борьбы советской власти против курбаши.

Annotation

The article is devoted to the history of the armed movement against the Soviet regime in the Surkhandarya oasis. It analyzes the leaders fighting against the red army, their activities, as well as the dynamics of the armed movement. Also, the policy of struggle of the Soviet power against kurbashi is revealed.

Таянч сўз ва иборалар: большевик, совет ҳокимияти, қуролли ҳаракат, кўрбоши, коллективлаштириш, уламо, Қизил армия, Сурхондарё воҳаси, Хуррамбек.

Ключевые слова и выражения: большевик, советская власть, вооруженное движение, курбаши, коллективизация, улема, Красная армия, Сурхандарьинской оазис, Хуррамбек.

Keywords and expressions: the bolshevik, soviet government, armed movement, kurbashi, collectivization, the ulama, the red army, Surkhandarya oasis, Khurrambek.

Сурхондарё вилояти қуролли ҳаракатнинг Ўзбекистон ССРда кенг ёйилган марказларидан бири ҳисобланади ва бу ердаги ҳаракатга Хуррамбек кўрбоши раҳбарлик қилди. Сурхон воҳаси кўрбошилари дастлаб амирлик тузумини қайта тиклаш мақсадида курашди. Бироқ кўрбошиларга нисбатан кучайтирилган ҳарбий чора-тадбирлар, воҳада юз берган қурғоқчилик натижасида қуролли ҳаракатни иқтисодий таъминотдан маҳрум этиши ва совет иқтисодий тизимидаги ўзгаришлар умумий мақсаддан воз кечишга мажбур қилди. Энди эса фақатгина ўзининг ҳудудига эгалик қилиш масаласи устувор вазифага айланди.

Кўрбошиларга нисбатан иқтисодий танглик ва ҳарбий сиқувлар уларнинг ўз мақсадларидан секин-аста воз кечиб, биринчи навбатда оддий тирикчилик учун кураш мақсади шаклланди. Вазият шу даражага етиб келдики, ҳатто оддий

тирикчилик ҳам жуда оғир бўлиб қолди. Бу ҳолат Тожикистон АССР ва Сурхон воҳаси кўрбошиларининг мақсадида ўзгаришлар динамикаси сифатида баҳоланади. Шундай оғир вазиятда ҳам улар ўз эътиқодидан воз кечмади. Совет ҳокимияти билан муросага кела олмади. Натижада хорижга муҳожирликка йўл олди.

Сурхондарё вилоятида амирлик тузуми даврдан бошлаб давом этиб келаётган ижтимоий-иқтисодий қийинчиликлар, халқнинг мураккаб ва оғир аҳволда яшаши совет ҳокимияти йилларида ҳам давом этган. Бу даврда аҳолининг катта қисми қишлоқ хўжалигида банд бўлган. Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ хўжалиги соҳасидаги инфратузилмалар ҳамда ирригация ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги натижасида, 1924 – 1925 йилларда ҳосилсизлик келиб чиқди. Бу омиллар ўз навбатида халқнинг оғир аҳволга

тушиб қолишига сабаб бўлди ва ҳукуматга нисбатан норозилик кайфияти кучайиб, аҳолининг қўрбошилар қўли остида бирлашиб, ҳукумат олиб бораётган сиёсатга қарши курашни давом эттиришга мажбур қилди.

Совет ҳокимиятининг вилоятда (аслида барча Ўрта Осиё республикаларида) олиб бораётган сиёсатига қарши давом этаётган қуролли ҳаракат иштирокчиларининг кўпчилиги деҳқонлардан иборат эди. Улар аксарият қисмининг иқтисодий аҳволи ночор бўлиб, агарда қуролли ҳаракатни тўхтатганда ҳам, уларнинг ижтимоий-иқтисодий турмуш тарзини яхшилашга доир чора-тадбирлар амалга оширилмаса, деҳқонлар яна қайтадан қўрбошилар сафига қайтиши мумкинлигини ҳукуматнинг мутасадди ходимлари яхши англаган. Чунки совет тузумига қарши қуролли ҳаракат энг аввало иқтисодий қийинчиликлар негизда шаклланган. Жамиятдаги бошқа омиллар эса кейинги ўринларда туради. Шунинг учун маҳаллий аҳолининг ижтимоий аҳволини ўнглаш мақсадида Сурхондарё вилояти “Босмачиликка қарши кураш кенгаши”нинг вакили Исоҳўжаев аҳолига кенг кўламда иқтисодий ёрдам кўрсатиш, вилоятнинг иқтисодиётини кўтариш, ўзи таслим бўлган йигитларга дон маҳсулотлари ва чорва моллари орқали ёрдам бериш каби таклифларни билдирган ва шу маҳсулотлар учун 15000 рубллик эҳтиёж мавжуд бўлган [9].

Исоҳўжаевнинг маърузасида келтирилган яна бир аҳамиятли жиҳат шуки, унда аҳолининг яшаш учун зарур бўлган ҳамма нарсага эҳтиёжи кучли эканлиги кўрсатиб ўтилган [10]. Бу далиллар мазкур йилларда Сурхондарё вилоятининг ижтимоий аҳволи ночор ҳолга келиб қолганлигининг тасдиғидир.

Сурхон воҳаси ва Тожикистон АССРда совет тузумига қарши олиб борилаётган қуролли ҳаракатни 1925 йилда ҳудудий жиҳатдан бир-биридан ажратиб бўлмасди. Чунки ушбу ҳудудларда олиб борилаётган ҳаракатнинг умумий раҳбари Иброҳимбекдир. Шунинг учун ҳам асосий ҳаракат йўналишлари лашкарбоши Иброҳимбек томонидан бошқарилди. Бу ҳолат Сурхон воҳасидаги ҳаракатларга асосий раҳбарлик Хуррамбекнинг қўлига ўтгунга қадар давом этган.

Туркистон fronti разведка бўлимининг 1925 йил 23 январдаги маълумотида кўра, Сурхон воҳасида совет ҳокимиятининг қўйи бошқарув органи кучсиз бўлиб, қуролли ҳаракат аҳоли томонидан кенг кўламда қўллаб-қувватланган [11]. Шу билан бир қаторда, совет тузумига қарши қуролли ҳаракатнинг Афғонистон билан бевосита боғлиқлиги ҳамда ўзаро алоқаларнинг мавжудлиги, шунингдек, амир Олимхон томонидан бошқариб турилиши, ҳаракатнинг анча мустаҳкам ва узоқ муддат давом этишини таъминлади [12].

Шарқий Бухорода асосий ҳаракатлар Иброҳимбекнинг кўрсатмалари асосида олиб борилса-да, аммо унинг қўл остида бўлган қўрбошилар ўртасида ҳамжиҳатлик ва уюшқоқлик 1925 йилдан кейин секин-аста йўқола борди. Бунга Иброҳимбек ва Хуррамбек ўртасидаги зиддиятлар сабаб бўлди. Хуррамбек аввалдан мустақил позицияда туришга, алоҳида сиёсат юритишга интилган [7]. 1925 йил 27 январда Хуррамбек қўнғирот уруғи вакиллари билан биргаликда қуролтой чақириб, унда Лақайдан мустақил эканлигини эълон қилган. Шундан сўнг Боботоғ ва Бойсун районида ўз қўрбошилари билан биргаликда ҳаракат қиладиган бўлган [3]. Бу ҳолат Хуррамбекнинг Иброҳимбекдан мустақил эканлигининг белгиси эди.

1925 йилдан кейин Хуррамбекка нисбатан ҳарбий тазйиқлар кучайтирилди ва барча иқтисодий ёрдамлардан ажратиб, уни оғир аҳволга солиш орқали ўз ҳудудига қамалиб қолишини юзага келтириш режалаштирилди [13]. Хуррамбек Сурхон воҳасида етакчи қўрбоши бўлиб, аҳоли билан ўз гуруҳлари ўртасидаги муносабатларни доимий равишда яхши йўлга қўйишга ҳаракат қилди. Оғир вазиятларда ҳам Хуррамбек ўз уруғи ҳамда воҳада яшовчи бошқа қўшни уруғлар томонидан ҳам қўллаб-қувватланган [14]. 1925 йил 15 апрелдаги маълумотга қараганда, Сурхондарёда яшовчи ур ва туркман жуз уруғлари қўрбошилари қўллаб-қувватлаган. Аммо ур уруғи орасида совет ҳокимиятига хайрихоҳ бўлган гуруҳлар ҳам мавжуд эди [4].

Хуррамбекнинг қўрбошиларидан бири Хусайн Командир бўлиб, у ҳам анча катта кучга эга бўлган. У Хуррамбекни қўллаб-

ТАРИХ

қувватлаш мақсадида ўз уруғи – туркман жузлардан гуруҳ ташкил этган [5] ва бошқаларни шу мақсадда Боботоғда ўз атрофига тўплашга ҳаракат қилган. Аммо охириги пайтларда Ҳусайн Командир билан Хуррамбек ўртасида зиддият пайдо бўлган. Сурхон воҳасида қуролли ҳаракатнинг етакчи раҳбарлари ўртасида юзага келган муросасизлик ҳамда баҳсли масалалар туфайли туркман жуз уруғи Хуррамбекнинг хатти-ҳаракатларини қўллаб-қувватламай қўйди. Бунга қўнғиротлар билан туркман жуз уруғи ўртасидаги келишмовчилик сабаб бўлди. Тоғли ҳудудларда яшовчи ярим кўчманчи қўнғиротлар қўрбошиларнинг бирлигини таъминловчи асосий куч бўлса, ўтроқлашган деҳқончилик билан шуғулланган қисми эса хайрихоҳ эмас эди. Уруғлар ўртасидаги бундай зиддиятлар қуролли ҳаракат бирлигига раҳна солди. Чунки уруғларнинг бир-бири билан келишмовчилиги ўша уруғдан чиққан қўрбошиларнинг бирлашишига ҳамда ўзаро ҳамжиҳатликда иш олиб боришига имкон бермади. Масалан, 1925 йилнинг баҳорида Ҳусайн Командир йигитларининг таслим бўлиши у билан зиддиятда бўлган бошқа уруғлар ўртасида қўрбошининг обрўсини туширди. Шу каби ҳолатлар Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши курашнинг ўзига хос хусусияти сифатида намоён бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам қўрбоши Ҳусайн Командир ўз кучларини мустаҳкамлаш ва ўз мавқеини сақлаб қолишга ҳаракат қилди. Шу мақсадда Хуррамбекдан ёрдам олишни мўлжаллади. Лекин ўртада тоғли туркман жуз уруғи билан боғлиқ эски зиддиятлар мавжудлиги бу масалада бироз тўсиқ бўлиб турди. Қўрбошиларнинг бирика олмаслиги ҳамда уларнинг бошқа уруғлар томонидан қўллаб-қувватланмаслиги натижасида улар етарли даражада ҳарбий кучга эга бўлмади. Бу ҳолат Қизил армия билан жангларда яққол намоён бўлди. Апрель ойида Ҳусайн Командир гуруҳининг 70 йигити таслим бўлди ва у қолган 40 нафар йигити билан ҳаракатни давом эттиришга мажбур бўлди [13]. Мазкур даврда уруғлар ўртасида низоларнинг мавжудлиги, уларнинг бир ёқадан бош чиқармаслиги қўрбошилар ўртасида тузилиши керак бўлган иттифоқнинг юзага келишига имкон бермади.

Бундан ташқари, уруғларга боғлиқ бўлмаган ҳолда, қўрбошиларнинг у ёки бу масалада ўзаро келиша олмай, бири иккинчисига ён бермасликлари оқибатида ҳам баҳсли ва зиддиятли вазиятлар юзага келди. Бундай омиллар ҳам ҳаракатнинг парчаланишини тезлаштирди. Бу, Сурхон воҳасида қуролли ҳаракатнинг ўзига хос жиҳати сифатида кўзга ташланади.

Сурхон воҳаси қўрбошиларига қарши 1925 йилнинг ёз ойларида Қизил армиянинг ҳужумлари кучайди. Кучайтирилган ҳарбий ҳолат ва махсус бўлимнинг олиб борган ишлари натижасида 1925 йил июнь ойида Мустафоқулбек ва Ўтанбекка кучли зарбалар берилди. Ўтанбек 1925 йил июлдаги жангларнинг кўпида йўқотишларга учради. Натижада у чекка районларга бориб ўрнашишга мажбур бўлди [16]. Шу пайтда Шеробод ва Юрчи участкаларида қўрбошилар ўртасида парчаланиш бошланди. Бунинг устига Мустафоқулбек ва Ўтанбек ўртасида зиддият ҳам пайдо бўлди. Бунга Мустафоқулбек қўрбошининг Усмонбек ва Муллачанинги йигитларига нисбатан қаттиқ жазо бериши сабаб бўлди. Мустафоқулбекнинг мазкур сиёсатини Ўтанбек қўллаб-қувватламади, натижасида икки етакчи қўрбоши ўртасида муносабатлар бузилди. Оқибатда уларнинг қўл остидаги йигитлар ўзларининг ўнбошилари билан алоҳида бўлиб чиқиб кетишни бошлади. Масалан, Мустафоқулбекнинг обрўли ўнбошиси Ҳасан Тўқсабо ундан ажралиб, Бойсунга кетди [17].

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш кўлами 1925 йилнинг кузидан кучайди. Бу биринчидан, Афғонистондан Амир Олимхоннинг қўрбошиларнинг қизил аскарларга қарши курашда фаоллигини ошириш мақсадида ўзининг вакилларини юбориши; иккинчидан, Сурхон воҳаси қўрбошиларининг фаолияти лашкарбоши Иброҳимбек томонидан назоратдан ўтказилиши; учинчидан, Сурхон воҳаси қўрбошилари Хуррамбек бошчилигида келажакдаги ишларни режалаштириш мақсадида қурултойлар ўтказиши билан боғлиқ эди [18].

Архив ҳужжатларида келтирилишича, 1925 йилнинг охири ва 1926 йилнинг бошларида қўрбошиларнинг ҳаракати қайтадан яна фаоллашди. Қўрбошиларнинг фаолиятини таҳлил қилганда икки муҳим

жиҳатни назардан четда қолдирмаслик лозим. Биринчидан, ушбу пайтда кўрбошиларнинг ҳаракатлари фаоллашган бўлса, иккинчидан эса икки ўртада бўлиб ўтган жангларда қатор зарбаларга ҳам учради. Масалан, 1925 йил 30 декабрда кўрбоши Салом калта Янгибозор районидаги жангда ўлдирилди [19]. Салом кўрбошининг боши олиниб, Миршодига юборилди ва у ерда бозорда кўплаб митингларда намойиш қилиниб, кейин марҳумнинг боши ёқиб юборилди [20]. Сурхон воҳасида ўз мавқеига эга бўлган Салом кўрбошининг тақдири шундай фожиали яқун топди. Бундай тарғиботлар орқали совет ҳокимияти “босмачилар”ни жазоланганлигини кўрсатиб, аҳоли орасида кучли кўрқув ва ваҳима уйғотишга ҳаракат қилди. Кўрбошилар устидан ўтказилган суд жараёнларини ва уларнинг қатл этилишини намойишкорона ташкиллаштириш орқали совет ҳокимиятига қарши курашнинг туганганлигига халқни ишонтириш мақсади кўзланган эди.

Сурхон воҳасидаги 1926 йил февраль-март ойидаги ҳаракатлар бошқачароқ хусусият касб этади. Хуррамбек ўз режаларини амалга ошириш учун Шилдироқ қишлоғига намойишкорона 12 йигитдан иборат кичик гуруҳини жўнатган. Хуррамбекнинг бу ҳаракати олдинги тактикалардан бироз фарқ қилади. Йўқотишлар ва талафотларнинг олдини олиш мақсадида олдинги ҳаракатларда Қизил армия қисмлари билан тўғридан-тўғри жангга кирмаган. Асосан пистирмадан ҳужум амалга оширилган. Бу ҳаракат эса ўзгача бўлиб, ошқора курашга ўтди. Бу билан Хуррамбек ўз ҳаракатлари орқали аҳоли орасида ўз мавқеини янада мустаҳкамлаш ва ҳамон қандай кучга эга эканлигини кўрсатиш мақсадида ҳам шундай тадбирни амалга оширди. Ошқора кураш усули орқали қизил армия қисмларининг руҳиятига таъсир ўтказиш ва жанговарлик ҳолатини сусайтириш мақсадида ҳам шундай қилди. Хуррамбек томонидан Шилдироқ қишлоғида бўлган жангда кўнгиллилар отрядига жиддий зарба берилди ва уларнинг қуроллари ҳамда отлари тортиб олинди. Бироқ кўнгиллилар отрядига қўшимча кучлар етиб келиб, Хуррамбекнинг гуруҳини чекинишга мажбур қилди [21].

Туркистон fronti разведка бўлимининг 1926 йил 20 март – 20 апрелдаги

7-8-сонли маълумотларида келтирилишича, Сурхон воҳаси кўрбошилари учун Боботоғда қийин иқтисодий ҳолат юзага келиши натижасида Тожикистон ҳудудига ўтиб кетишга мажбур бўлди. Хуррамбек бошчилигида Абдумурод, Мулла Эшкул ва Эрниеъ кўрбошилар Иброҳимбекнинг олдига, яъни Вахшнинг чап қирғоғида жойлашди [2].

1926 йил 1 апрель – 1 май оралигида Сурхон воҳасидаги сиёсий ҳолат хусусида РКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси ва Ўзбекистон Компартиясининг раҳбарларига юборилган сиёсий хат воҳадаги вазиятни баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур ҳужжатда келтирилишича, қайд этилган вақт мобайнида Сурхондарё вилоятида сиёсий ҳолат мустаҳкамланиб, совет тузумига қарши қуролли ҳаракат сусайди. Қуйи Сурхон туманида кўрбошиларнинг фаол ҳаракатлари кўзга ташланмайди [22].

Бу ҳолат юқорида айтиб ўтилганидек, Боботоғда оғир ва мураккаб иқтисодий вазият туфайли юзага келган. Кўрбошиларнинг йигитлари ва отлари таъминотида озиқ-овқат муаммоси қамраб олиши ва очликнинг келиб чиқиши натижасида, ўрнашган жойларини ташлаб кетишга мажбур бўлди. Бундай оғир иқтисодий қийинчиликлар натижасида партия ходимлари таъбири билан айтганда, Сурхон воҳасида сиёсий вазият нормаллашган. Кўрбошилар иқтисодий аҳволининг оғирлашиши уларнинг фаол ҳаракат олиб боришини чеклади. Бу, қуролли ҳаракатнинг мағлубиятини тезлаштирган асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

Туркистон fronti сиёсий бошқармасининг 1926 йил 3 апрелдаги № 9 тезкор сиёсий маълумотномасида келтирилишича, Сурхондарё вилоятидаги Хуррамбек бошчилигидаги кучлар қарийб тўлиқ равишда Боботоғ тоғларини ташлаб кетиб, бир қисми Қабодиён райониغا, бир қисми эса Вахш дарёсининг чап томонида жойлашган. Уларнинг ўз жойларини ташлаб кетишига қуйидагилар сабаб бўлди:

Биринчидан, Вахш дарёсининг чап қирғоғидаги аҳоли масканлари тоғли ҳудудлардан ташкил топганлиги сабабли бу жойлар кўрбошилар учун табиий равишда яшириниш кўрғони бўлиб хизмат қилди. Бундай ҳолат совет ҳарбий қисмлари

ТАРИХ

томонидан кўрбошиларнинг таъқиб қилинишини қийинлаштирди.

Иккинчидан, Қабодиён райони Боботоғга нисбатан бойроқ эди. Шунингдек, Сурхондарё кўрбошиларининг янги ҳудудларга ўтишининг яна бир сабаби, Хуррамбекнинг Афғонистонда яшаб турган амир ҳамда муҳожирлар билан алоқаларни янада кучайтириш хоҳиши ҳам эди. Афғонистондан ўтган муҳожирларнинг барчаси Хуррамбекни совет тузумига қарши курашнинг етакчи раҳбари сифатида кўрди ва уни қўллаб-қувватлаб турди [23]. Шу ўринда масаланинг ўзига хос характерли бир жиҳати мавжудки, Хуррамбек Қабодиён районига ўтганида уни у ерда яшовчи ҳамма қатламлар ва айрим этник гуруҳлар қўллаб-қувватламади. Унинг бир гуруҳига нисбатан асосан деҳқонлар оммаси томонидан хайрихоҳлик кузатилмади, уларнинг кўпчилиги дўрмон уруғи вакиллари билан иборат эди [24].

1926 йилнинг июль – август ойлари Сурхон кўрбошиларининг мағлубиятли даврлари сифатида белгиланади [26]. Бундай оғир ва қийин вазиятда совет ҳокимиятига қарши курашда ҳеч қандай натижага эришиб бўлмаслигини инobatга олиб, Хуррамбек пиёда йигитларига ўз уйларига кетишга рухсат бериб, ўзи эса қолган отлик йигитлари билан 1926 йил 23 июлда Қабодиён районига кетишди [8].

ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюросининг вакили И. Зеленскийнинг 1926 йил 6 сентябрдаги маърузасида келтирилишича, бу даврда совет ҳарбий қисмлари Ўзбекистонда кўрбошиларнинг гуруҳлари билан 70 марта, Тожикистонда эса 160 марта тўқнашди. Мазкур тўқнашувларнинг 33-36 % муваффақиятли деб белгиланди. Қолган тўқнашувлар “босмачилар”нинг ғалабаси билан тугаган [6]. Биринчидан, юқоридаги далиллар кўрбошиларнинг Қизил армия қисмларига жиддий қаршилик кўрсатганлигининг тасдиғи бўлса, иккинчидан, совет ҳокимияти Қизил армиянинг фаолиятдан қониқмаганлигининг тасдиғидир.

Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши қуролли ҳаракат 1927 йилнинг баҳоридан яна қайтадан авж олди. 1927 йилнинг май ойида Ўтанбек, Мулла Очар, Мулла Холдор ва Али Полвон каби кўрбошиларнинг чегарадан ўтиб, Сурхон воҳасида фаол ҳаракат олиб бориши мавжуд вазиятни мураккаблаштирди [25]. Бироқ Ўтанбек ва бошқа кўрбошиларнинг ҳаракатлари совет ҳарбийлари томонидан қайтарилди, улар қайтиб афғон чегарасига ўтиб кетишди. Кейинчалик Иброҳимбек 1931 йилда совет давлати ҳудудига кирмагунча Сурхон воҳасида совет ҳокимиятига қарши кураш деярли бошқа амалга оширилмади.

Фақатгина Ўтанбек кўрбоши ўз гуруҳи билан 1932 – 1933 йилларда Афғонистондан бир неча марта Ўзбекистон ва Туркменистон ҳудудига ўтиб, совет тузумига қарши курашни давом эттиради. Бироқ Ўтанбекнинг фаолияти тўғрисида расмий ҳужжатларда бошқа маълумотлар учрамайди [1].

Шундай қилиб, Ўзбекистон ССРдаги қуролли ҳаракатнинг асосий маркази сифатида Сурхон воҳаси алоҳида ўрин эгаллайди. Воҳадаги ҳаракат кўлами гоҳ кўпайиб, гоҳ камайиб турди. Совет ҳокимияти томонидан ҳарбий тазйиқнинг кучайиши натижасида ҳаракат раҳбарларининг айримлари Афғонистон чегарасига ўтиб кетиши, кўрбошиларнинг аҳолидан етарли даражада ёрдам ололмаслиги, аҳолининг кўрбошиларга нисбатан муносабатининг ўзгариши, кўрбошилар барча имкониятларининг чеклаб қўйилиши, жанглarda етакчи кўрбошиларнинг қўлга олиниши ёки таслим қилиниши, қўлга олинган кўрбошиларга нисбатан совет ҳокимияти томонидан белгиланган жазо халқ ўртасида эълон қилиниши ҳамда ўлим жазосининг аҳоли орасида амалга оширилиши жойларда ҳукумат олдида кўрқувни кучайтирган. Шундай усуллар орқали аҳоли ҳаракат таркибидан ажратилди ва воҳада ҳукуматга нисбатан норозилик ҳаракатлари секин-аста сўндирилди.

Адабиётлар:

1. Алоҳида Ўзбек чегара комендатураси комендантлари Орловнинг 1933 йил 11 декабрда юборган маълумотномасида хориждаги энг йирик кўрбоши Ўтанбек ўз фаолиятини тўхтатганлигини маълум қилади. Мазкур ҳужжатда кўрсатилишича, Ўтанбек 25 ноябрда туркман муҳожирларининг Афғонистондаги етакчиси Эшон Халифани зиёрат қилиш учун Хожа Дук қишлоғига келади. Эшон Халифа билан бу ерда тўпланган нуфузли туркман бойлари ва муҳожирлари билан суҳбатда у ҳам қатнашади. Ўтанбек охириги вақтларда “босмачилик”

қилишни ташлаганлигини маълум қилади. Ўтанбек ўзида 1 та маузерни сақлаб, бошқа ўзида ва йигитларида, жумладан, Мулла Холдорнинг қолган қуролларини Эшон Халифага топширади.

2. Бошқа қўрбошилар Қабодиён районида, 26 мартда Маҳмуд Қачай 10 йигити билан Қизил Пайзова (Ўрта Боботоғ) районида, Ўтанбек эса 30 мартда ўзининг 30 йигити билан биргаликда Жарқўргон районида 25 верста шимоли-шарқда бориб ўрнашди. Қаранг: Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 696-иш, 57-варақ.

3. Пограничные войска СССР 1918 – 1928. Сборник документов и материалов. – М.: Наука, 1973.

4. Пограничные войска СССР 1918 – 1928. Сборник документов и материалов. – М.: Наука, 1973.

5. Пограничные войска СССР 1918 – 1928. Сборник документов и материалов. – М.: Наука, 1973.

6. Пограничные войска СССР 1918 – 1928. Сборник документов и материалов. – М.: Наука, 1973.

7. *Ражабов Қ.* Бухорога Қизил армия босқини ва унга қарши қураш. –Т.: Маънавият, 2002.

8. *Шнель.* Ликвидация остатков басмачества // “Правда Востока”, № 176. 4 августа 1926 г.

9. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 618-иш, 46 – 47-варақлар.

10. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 618-иш, 48-варақ.

11. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 619-иш, 3-варақ.

12. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 623-иш, 254-варақ.

13. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 432-иш, 40-варақ.

14. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 432-иш, 34-варақ.

15. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 432-иш, 40-варақ.

16. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 576-иш, 322-варақ.

17. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 576-иш, 321-варақ.

18. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 2-рўйхат, 598-иш, 8-9-варақлар.

19. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 614-иш, 140-варақ; *Иркаев М.* История гражданской войны в Таджикистане. –Душанбе: “Ирфон”, –С. 579.

20. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 614-иш, 140-варақ.

21. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 152-варақ.

22. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 2-рўйхат, 352-иш, 41-варақ.

23. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 142-варақ.

24. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 624-иш, 143-варақ.

25. Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 2-рўйхат, 352-иш, 11-12-варақлар.

26. 1926 йил 24 июлдаги жангларда Шаршара қишлоғида (Деновдан 35 верста жануби-шарқда) Хуррамбекнинг ўнбошиси Муҳаммади ўзининг гуруҳи билан таслим бўлди, қўрбоши Эрнийезнинг гуруҳи парчаланди, 7 августда Ҳисорда Соҳиб командир таслим бўлди. Дўрмон уруғининг қўрбошиси Тошмат қуролсизлантирилиб, от-уловсиз Афғонистонга ўтиб кетишга мажбур қилинди. Қаранг: Ўзбекистон ПАА, 58-фонд, 1-рўйхат, 696-иш, 2-варақ; *Шнель.* Ликвидация остатков басмачества // “Правда Востока”, № 176. 4 августа 1926 г.

(Тақризчи: Б.Усмонов – тарих фанлари доктори).